Ушбу сонда:
2 Таажжуб! ЛОТЕРЕЯ «ЎЙИНИ»
3 ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА
4 Шоҳмот оламида «ТЕМУР ҚАФАСИ»

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 9 апрел, сешанба №57 (1274)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

КОРХОНАНИНГ КИЧИК ЗАВОДИ

Хатирчида қишлоқ хўжалиги техникаси учун зарур бўлган 30 хилдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уни «Хатирчи МТП» ҳиссадорлик жамиятининг чилангарлари тайёрламоқда.

Корхонанинг кичик заводида сув насослари ўқлари, генераторлар, ерни юмшатиш механизмлари, лемехлар, цилиндрлар, тормоз колодкалари, резинадан тайёрланган мойлаш узатмалари, турли мослама ва аккумуляторлар тайёрланиб, кўчма хизмат кўрсатиш машиналари ёрдамида даладаги тракторларга хизмат кўрсатмоқда.

МТП чилангарлари шу кунларда ичимлик сувлари учун жўмраклар тайёрлашни ҳам йўлга қўйди. Айни кўкламги экиш мавсумида улар ўз маҳсулотларини қўшни туманларга ҳам етказиб бермоқда.

(ЎзА).

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШ

30 мингга яқин янги иш ўринларини яратиш имконини берди

Мустақиллик йилларида барча жабҳаларда катта ўзгаришлар бўлди. Хусусан, мамлакатда иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш, республикамизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида улкан ютуқлар қўлга киритилди. Қисқа вақт ичида макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Жумладан, тижорат банклари қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсишини таъминлашда, янги иш ўринларининг юзага келишида ўз улушларини қўшмоқда. Бу борада кичик ва ўрта бизнес субъектларига яқиндан ёрдам бермоқда.

Шулардан бири республикамизнинг энг нуфузли молиявий ташкилотларидан бири «Пахта Банк»дир. У ўз фаолиятини халқаро андозалар талабига мослаштиришга ҳаракат қилаётир. Банк капиталини кўпайтириш, унинг молиявий ҳолати ва кредит портфелининг сифатини яхшилаш, аҳоли бўш пул маблағларини кенг кўламда жалб қилиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Натижада мазкур банкнинг Низом капитали 1,2 баравар ортиб, унинг миқдори 10 миллиард сўмга етказилди. Жамланма капитал ва умумий активларнинг салмоқли ўсишига эришилди. Бунда банк кредитларининг 95 фоизи иқтисодиётнинг реал секторига берилганлиги эътиборга лойиқдир. Акциядорлар сони 70 мингдан ортиб кетди. Банкнинг хусусий депозит базаси мустаҳкамланди. Аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонотларига жалб этиш жараёни жадаллашиб, унинг кредитлаш имкониятлари янада ўсди. Бунинг натижасида

Ислоҳот инсон учун

ўтган даврда банк кредит портфели 1,3 марта ўсди ва шу йилнинг 1январ ҳолатига 64 миллиард сўмни ташкил этди.

Банк республикамизда кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган қатор янги хизмат турларини жорий этди. Ўтган йил давомида тадбиркорларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 6114 та лойиҳа бўйича ажратилган кредит миқдори 11 миллиард 719 миллион сўмни ташкил этди. Натижада 30 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, кичик ва ўрта бизнес субъектларига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 10 миллиард сўмдан ортиқ қарз ажратилди.

Эътиборлиси шундаки, банк фойдасининг 25 фоизи ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан тадбиркорларга қарз бериш салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бултур шу асосда ишбилармонларга 5 миллиард 885 миллион сўмдан ортиқ кредит берилди. Бунинг натижасида жойларда 10 мингдан ортиқ янги иш ўринлари барпо этилиб, бу соҳанинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи кескин ортганлиги кузатилди. Айниқса, аграр секторни ривожлантириш ва қишлоқда янги иқтисодий тузилмаларнинг шаклланишида фаол қатнашаётганлиги эътиборга лойиқдир. Деҳқон-фермер хўжаликлари, ширкатларнинг кредит эҳтиёжларини тўла қондириш борасида кўплаб ишлар қилинди.

Ўтган давр мобайнида банк ўзининг молиявий аҳволини янада барқарорлаштириш ва халқаро мавқеини мустаҳкамлаш йўлида изчил фаолият юритди. Хусусан, аграр секторга хорижий кредит линияларини жалб қилиниши туфайли ишлар кескин фаоллашди. Ўтган йилнинг ўзида Осиё тараққиёт банки билан тузилган шартномалар асосида 15 миллион АҚШ доллари миқдорида чет эл инвестицияси жалб этилди. Ўзбекистон-Хитой меморандумига асосан Тошкент трактор заводи базасида мини тракторларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун анча ишлар қилинди. Бунинг учун Хитойнинг Экспорт Тижорат Банки — «Эксимбанк»нинг 12 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит линиялари очилди.

Хуллас, «Пахта Банк»нинг бултурги барча саъй-ҳаракатлари қабул қилинган бизнес-режани ижро этишга, банкнинг ликвидлик ва фойдали даражасини оширишга, акциядорларга иложи борича кўпроқ дивидентларни тўлашга йўналтирилди.

Гулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири.

РАҒБАТ — САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Бўритош Ражабова 28 йилдан бери Яккабоғ туманидаги «Яккабоғ» ширкат хўжалигида сут соғувчи бўлиб ишлайди. Сутчилик фермаси аъзолари уни ўз устозлари деб биладилар. Хўжаликда чорвадорлар учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, меҳнаткашлар дам олиш уйи ишлаб турибди.

Касаба уюшма қўмитаси томонидан меҳнаткашлар ижтимоий ҳимояга олинган. Уларнинг хонадонлари табиий газ билан таъминланган, ойлик маошлари ҳам ўз вақтида бериб борилмоқда. Шунингдек, чорвадорлар матбуот нашрларидан фойдаланиш имкониятига эгалар.

Шу боис меҳнат аҳлининг иш самарадорлиги ортиб бормоқда. Чунончи, ўтган йили етиштирилган 180 тонна сутнинг 125 тоннаси давлатга сотилди. Муҳими, даромадларнинг бир қисми хайрия тадбирларига сарф этилмоқда. Айниқса, ногирон, ёлғиз кишилар, қарияларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатиляпти.

Шавкат СУЛТОН олган суратлар.

ТУҲФА

«Қашқадарёнефтмаҳсулот» шўъба корхонаси фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи 26 та ёнилғи қуйиш шохобчасини ишга туширди. Улар фермер хўжаликларига айлантирилган ширкат хўжаликларининг нефт омборлари базасида ташкил этилди. Мазкур омборлар ширкат хўжаликларидан «Қашқадарёнефтмаҳсулот» корхонаси балансига ўтказилиб, қайтадан таъмирланди. Айни пайтда янгидан ташкил этилган бу ёнилғи қуйиш шохобчалари 1 минг 133 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатмоқда.

Амир Темур таваллудига 666 йил тўлди

ҚУДРАТИМИЗ РАМЗИ

Кўҳна тарихга назар ташласак, улуғ шахсларни ҳамиша халқ дарди, миллат қайғуси яратган. «Миллат дардига дармон бўлмоқ»ни умрининг мазмуни деб билган Амир Темур эса «адолат кучда эмас, куч адолатда» эканлигини теран ҳис қилиб, жаҳонда эзгулик қўрғонини бунёд этди.

У тарих саҳнасига кириб келганида мўғул истибдоди авжига чиққан, маънавият ва маърифат ўчоқлари — масжиду мадрасалар, кутубхоналар вайрон этилган, суғориш иншоотлари издан чиқиб, турли солиғу божлардан, амалдорларнинг жабр-зулмларидан халқ азият чекарди.

Адолатсизликка қарши Амир Темур майдонга чиқди. Мураккаб тарихий шароитда истилочиларга қақшатқич зарба бериб, халқни ягона ғояга бирлаштирди. Мовароуннаҳр заминида мустақил, адолатли, халқпарвар салтанатни барпо этди. Босқинчилар зулми туфайли харобага айланган Самарқандни руйи заминнинг сайқали, марказлашган давлатнинг пойтахти, Темурийлар салтанатининг қудрати, адолатли давлатнинг тимсоли даражасига кўтарди.

Ҳунар ва ҳунармандларни эзгулик, яхшилик атрофида бирлаштирди. Уларнинг бетимсол истеъдоди ва ижодларига йўл очиб, бунинг шарофати ила нилий гумбазлар, минора-ю мадрасалар, жаннатий боғлар — бетакрор меъморий мўъжизаларнинг бунёд этилишига сабаб бўлди.

(Давоми 4-бетда)

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

ЭҲТИРОМ

Кексалар хонадон кўрки, доно маслаҳатгўйимиздир. Бу аньана асрлар оша сайқал топиб, мазмунан бойиб бормоқда. Юртимизда қарияларни қадрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши нуронийларни беҳад мамнун этди. Сирдарё вилояти аҳолисининг 12,5 фоизини кекса ёшдаги фуқаролар ташкил этади. Уларни ижтимоий ҳимоялаш ва имтиёзлардан баҳраманд бўлиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Бугунги кунда воҳада истиқомат қилаётган 975 нафар иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, 8200 нафардан ортиқ уруш ортида меҳнат қилган кексалар меҳр оғушида. 555 нафар биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони бўлган қариялар, тўшакка михланган беморларга беминнат хизмат кўрсатилмоқда.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури доирасида 2002 йилга мўлжалланган тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Сирдарё туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси, халқ таълими бўлими ҳамкорликда соҳада ишлаган, айни чоғда кексалик гаштини сураётган 50 нафар қарияга эъзоз кўрсатмоқда. Улар яқинда тумандаги 41-ўрта мактабда тўпландилар. Халқимиз фаровонлиги, ёш авлод тарбиясига муносиб улуш қўшган қариялар Муҳиддин Каримов, Баҳром Яҳёев, Абдуқодир Сапаровлар бундай хайрли ишлар ёш авлодга катта сабоқ бўлишини эътироф этдилар. Кексаларга касаба уюшма қўмитасининг 400 минг сўмлик совға-саломлари топширилди.

Кексалик — иккинчи болаликдир, деган экан бир донишманд. Тўғрида, нуронийларга кўп нарса керак эмас. Озгина эътироф, ҳурмат-иззат бўлса, бас. Касаба уюшмалари кенгаши ташаббуси билан Гулистон шаҳридаги «Анҳор» чойхонасида ташкил этилган дилтортар суҳбат давраси ҳам буни яна бир карра исбот эди. Воҳанинг турли ҳудудларида яшовчи 200 нафардан зиёд кексалар бир дастурхон атрофига жам бўлишди. Мирзачўлнинг гуллаб яшнашига ҳисса қўшган кексалар касаба уюшманинг бу тадбиридан мамнун бўлдилар.

Зотан, севимли хонанда Хожиакбар Ҳамидов, хонанда Обиджон Ҳамидовлар ижросидаги мумтоз қўшиқлар барчага манзур бўлди. Учрашув ниҳоясида кексаларнинг ҳар бирига совғалар ҳадя этилди.

Вилоятимиз касаба уюшма ташкилотлари бундай хайрли тадбирларни кўпайтириш, давлат дастурининг амалдаги ижросини таъминлашга бундан буён ҳам бутун саъй-ҳаракатларини сафарбар этадилар.

Маҳмуд АШУРОВ,
Сирдарё вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси ташкилий ишлар бўлими мудири.

Солиқ ҳақида нималарни биласиз?

ТАДБИРКОР СИНОВДАН ЎТДИ

Ўша куни Хозарасп туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи мажлислар зали одамлар билан одатдагидан гавжумроқ бўлди. Бу ерга Хоразм вилояти якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларнинг вакиллари йиғилган эди.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси ташаббуси билан бундан олдинроқ фермер ва деҳқон хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес корхоналари раҳбарлари ўртасида «Сиз солиқ тўғрисида нималарни биласиз?» деган мавзуда кўрик-танловлар бўлиб ўтган эди. Бу гал эса ўзаро беллашгани якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар ташриф буюришганди.

Вилоятда шу кеча-кундузда 7601 нафар фуқаро якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда. Мустақиллик йилларида яратиб берилган шароитлар туфайли улар ўз истеъдодларини тўла намоён этиб халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Зал фойесида ташкил этилган кўргазмага қўйилган дурадгорлик ва ўймакорлик буюмлари, тикувчилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари хоразмлик қўли гул тадбиркорлар нималарга қодир эканликларини кўрсатиб турибди. Йиғилганлар уларни завқ билан кўздан кечирдилар ва ўзларининг холис баҳоларини бердилар.

Хонқалик тикувчи-тадбиркор Отаназар Сотимов қўли билан тайёрланган эркаклар, аёллар ва болалар устки кийимлари кўргазмада каттагина жойни эгаллади. Тикувчилик Отаназар учун бобо касб. Бобоси Сотимбой Юсупов ярим аср муқаддам туманда биринчилардан бўлиб чет эл тикув машинасини олиб келиб буюртма асосида устки кийимлар тикишни йўлга қўйган эди. Кейинчалик бу касбни отаси Шоҳназар ака давом эттирди. Ёнига катта ўғли Отаназарни олиб кичиккина устахона ташкил этди. Шунда бобосидан хотира бўлиб қолган тикув машинасида Отаназар кийимбош тикишни пухта ўрганиб олди. Кейинчалик у фарзандлари Элдор, Соҳам кийим-бошларни Отаназар ўз фарзандлари билан бирга бепул тикиб беряпти.

Бугунги кунда Отаназар устанинг довруғи довон ошган. Тикиб чиқараётган кийим-бошлар бири-биридан бежирим ва сифатли. Мижозлар сони ой сайин кўпайиб бораяпти. Фарзандлар ҳам мустақил ишлашга ўтишаяпти. Улар ўтган ойларда синфдошларидан 20 нафарига хайрия тарзида мактаб кийимлари тикиб беришди. Байрамларда қатнашадиган боғча болалари учун тимбой ва Гулнозаларга устозлик қилди.

Кўрик-танлов куни Отаназарнинг ёнида амакиси Эркин Юсупов ҳам ўз устахонасида тикиб чиқарган маҳсулотларни намойиш этди. У ҳам ўғил-қизлари билан бирга якка тартибдаги буюртмаларни замонавий шаклда тикиб чиқараяпти. Орада кам таъминланган оилалар хизматини ҳам адо этаяпти. Яқинда 4-маҳаллада истиқомат қилувчи пенсионер Зоҳир Зариповга чопон, Рўзигул Авезовнинг ўғилларига эса мактаб формалари тикиб берди.

Урганчлик тадбиркор Умарбек Шарипов қаттиқ ва юмшоқ сирлар, сариёғ каби маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Унинг цехида ҳар куни хўжаликлар ва аҳолидан харид қилинган 500-600 литр серқаймоқ сут қайта ишланаяпти. Умарбек олий маълумотли муҳандис-технолог бўлганлиги учун ҳам ишлаб чиқаришни тобора такомиллаштириб бораяпти. Кўрик-танлов қатнашчилари тадбиркор ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифатига юқори баҳо бердилар.

Ана шундай баҳога хазорасплик тадбиркор пазанда Ирода Отамуродова тайёрлаб келган тортлар, пирожнилар, қандолат маҳсулотлари ҳам сазовор бўлди. Ирода умумий овқатланиш тармоғини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаяпти. Бундан ташқари кўрик-танлов давомида тест саволларига ҳам тўлиқ жавоб бериб солиқ қонунчилиги бўйича пухта билимга эга эканлигини исботлади.

Кўрик-танловнинг очилиши маросимида сўзга чиққан Хазарасп туман ҳокими Ботир Раҳимов ва вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Исмат Кўзиев барча қатнашчиларни самимий табриклаб, мусобақада уларга омадлар тиладилар. Сўнг зал бўйлаб боғча ва мактаб ўқувчиларининг жарангдор овозлари янгради. Улар тадбиркор ота-оналар, ака-опалар шаънига битилган шеърларни ёд айтдилар, солиқ қонунчилиги бўйича қанчалик билимга эга эканликларини намойиш этдилар. Сўнг кўрик-танлов қатнашчиларининг билимларини синовдан ўтказишга киришилди. Қатнашчилар сиёсий, маърифий, иқтисодий мавзуларда берилган тест саволларига тўлиқ жавоб беришга ҳаракат қилдилар.

Мусобақа давомида энг юқори балл тўплаган хонқалик тикувчи Отаназар Сотимов, хазорасплик пазанда Ирода Отамуродова, урганчлик тадбиркор Умарбек Шарипов ва санъаткор Азамат Отажонов кўрик-танлов совриндорлари деб топилди. Уларга Давлат солиқ қўмитасининг Фахрий ёрлиғи, туман ҳокимлиги ва вилоят давлат солиқ бошқармаси совринлари топширилди.

Кўрик-танлов қатнашчилари ҳузурида Азамат Отажонов бошлиқ хонанда ва созандалар янги концерт дастурларини намойиш этдилар.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси.

Қарор ва ижро

300 ХОТИН-ҚИЗ ИЖТИМОИЙ МЕҲНАТГА ЖАЛБ ЭТИЛДИ

Иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қишлоқда ислоҳотларни изчил амалга оширишда фаол иштирок этиш касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналишидир.

Туманимиз мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги тараққий этган, аҳолининг турмуш фаровонлиги яхшиланиб, кичик ва ўрта бизнеснинг ишлаб чиқаришдаги салмоғи ошиб бораётган мавзелардан бирига айланди. Касаба уюшмалари моддий неъматлар яратаётган меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳалардаги манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бермоқда.

Қўмитанинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида эришилган ижобий натижалар билан бирга эндиги вазифалар белгиланиб, айрим йўналишларда олиб борилган ишларга танқидий баҳо берилди. Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, меҳнат ва техника хавфсизлигини таъминлаш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси таркибида 40 та бошланғич, 26 та цех ташкилотлари ва 50 та гуруҳ бўлиб, улар ўз атрофига 19 мингга яқин аъзони бирлаштирган. Касаба уюшмалари Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари асосида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, ходимларга қулай меҳнат ҳамда дам олиш шароитларини яратиб беришга катта эътибор қаратмоқда. Шунингдек, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида тузилган жамоа шартномаларида меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш масаласи алоҳида ўрин тутади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили Давлат дастури тўғрисида»ги ва «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2005 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ туманда яшаётган кекса фуқаролар, ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастури ишлаб чиқилди. Жамоа шартномаларига бу тоифадаги шахсларни қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама ҳимоясини кучайтиришга оид қатор қўшимча имтиёзлар киритилди.

Касаба уюшмалари аралашуви билан ўтган чорақда 100 нафардан зиёд кўп болали оналарга қўшимча таътиллар берилиб, 10 нафар аёл муддатидан олдин пенсияга чиқарилди, ёш болалари бор аёлларнинг иш вақтини бир соатга қисқартиришга эришилди. Корхона ва ташкилотлар ҳисобидан 258 оилага 1 миллион 268 минг сўмлик, касаба уюшмалари томонидан эса 90 оилага 305 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат бўлими билан биргаликда 288 нафар хотин-қиз тегишли имтиёзлар асосида ишга жойлаштирилди. Уларнинг 178 нафарини ёшлар ташкил этиши айни муддаодир.

Меҳнаткашлар соғлиғини муҳофазалаш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 25 ўринли Акчакўл, 100 ўринли Навоий ва 80 даволанувчига мўлжалланган Сарибий каби шифо масканларида 300 нафардан зиёд касаба уюшма аъзолари бепул йўлланмалар асосида саломатликларини тикладилар. Республика ва вилоят микёсидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида меҳнаткашларнинг 600 нафарга яқин ўғил-қизлари соғломлаштирилдилар.

Иш берувчилар билан касаба уюшмалари ўртасида тузилган битимларга мувофиқ меҳнат муҳофазаси ва ходимларни ижтимоий ҳимоялашга 18 миллион 500 минг сўмлик маблағ сарфланди. Зарарли иш шароитларида меҳнат қилаётган ходимларга доимий равишда бепул сут ва сут маҳсулотлари бериб борилмоқда.

Куни-кеча қўмита томонидан мунис ва мўътабар онахонлар бир пиёла чой устидаги суҳбатга таклиф этилиб, қимматбаҳо совғалар топширилди.

З.ХЎЖАНИЁЗОВ,
Элликқалъа туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

Тошкент вилояти Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан Ўрта Чирчиқ туманида «Фахрийлар — ҳаёт мактаби» деб номланган давра суҳбати ўтказилди. Унда узоқ йиллар халқ таълими тизимида сидқидилдан меҳнат қилган, ҳозирда кексалик гаштини сураётган мураббийлар, касаба уюшма фаоллари иштирок этдилар. Табаррук инсонлар ёшларга ҳаётларидаги унутилмас онлар, мустақиллик йилларида таълим тизимида эришилган ютуқлар хусусида тўлқинланиб ҳикоя қилдилар.

Суратларда: унутилмас учрашувдан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

ТРАНСПОРТ ТЕКИН

Олмалиқлик отахон ва онахонлар Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан шаҳардаги барча ички йўналиш бўйича қатновчи автобус, троллейбуслардан ҳамда йўналишли такси хизматидан бепул фойдаланадиган бўлди. «Олмалиқ транспорти» бошқармаси шаҳар ижтимоий таъминот бўлими билан ҳамкорликда қарияларга дастлабки ўттизта ана шундай ҳуқуқ берувчи махсус гувоҳнома тарқатди.

ТЕСТ МАРКАЗИ

Олий ўқув юртларининг компьютер орқали бевосита Давлат Тест маркази билан тўғридан-тўғри алоқа боғлаши яхши анъанага айланмоқда. Қарши Давлат университети ҳам марказ билан шундай алоқа ўрнатди.

Бунинг афзаллиги шундаки, абитуриент ўзининг тест синовларига қай даражада тайёр эканлигини, имкониятларини худди тест синовларидагидек чамалаб кўриш имкониятига эга. Саволларни тест марказидаги банк асосида компьютернинг ўзи танлайди ва қисқа муддат ичида ўқувчининг қанча балл тўплаганини айтиб беради.

(ЎзА).

МАЪРИФАТСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Қибрай туман автомобил йўлларини таъмирлаш бошқармасида «Маданий-маърифий ишларни намунали йўлга қўйиш — давр талаби» мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари ўз тажрибалари билан ўртоқлашиб, қўмиталарда маданий-маърифий ишларни шу кун талаблари даражасида ташкил этиш ва такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Айни пайтда фаолиятдаги айрим камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар хусусида ҳам гап борди.

— Жойларда маънавият ва маърифат хоналарини ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда, — дейди Тошкент вилояти автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Баҳодир Жўрабоев. — Бу борада Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Пскент, Бекобод туманларида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Семинар-кенгашда жамоа шартномаларининг бажарилиши, ходимларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, соғломлаштиришга оид долзарб вазифалар белгилаб олинди.

К. БОЙМУРОДОВА, «Ишонч» мухбири.

«Ҳилол» сиҳатгоҳи Урганч шаҳрининг марказидаги энг хушманзара ерлардан бирида жойлашган. Юз ўринга эга бу саломатлик масканига мана 15 йилдан буён Зулфия Абдуллаева бош ҳакимлик қилиб келмоқда. Айниқса, 1997 йилда давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганидан кейин ишлар юришиб кетди.

«ҲИЛОЛ» ҲАР ЖИҲАТДАН ҚУЛАЙ

Соғломлаштириш

— Мен бу ерда илгари ҳам даволанганман, - дейди биз билан суҳбатда Қўнғирот туманилик Шарифа Ўрозова. — Бугунги кунда жаҳон андозалари талаблари даражасидаги сиҳатгоҳга айланибди.

— Менга бу ердаги шифокорларнинг ширин муомаласи-ю беминнат хизмати ёқди, - дейди Хива шаҳрида яшовчи Султон Қаландаров.

Бу ерда профилактика - даволаш ишларига айниқса, кенг эътибор берилаётир. 900 метр чуқурлик тортиб олинаётган бром ва йодга тўйинган шифобахш сув айниқса, беморларга маъқул бўлмоқда. Балчиқ, парафин, электр токи ёрдамида даволашнинг турли хил усулларидан фойдаланилмоқда. Доривор гиёҳлардан ҳар хил малҳамлар тайёрланмоқда. Нина билан даволаш, сув ости массажи, паст частотали токлар билан муолажа қилиш кенг йўлга қўйилган.

«Ҳилол» нафақат Хоразмда балки қўшни Бухоро вилояти Қорақалпоғистон Республикасида ҳам довруғли. Шу боис у ерлардан сиҳатгоҳга келаётганларнинг кети узилмайди. Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан ҳомий ташкилот «Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси сиҳатгоҳда оилавий дам олувчиларга мўлжалланган 6 та коттеж, дам олиш хонаси, ошхона ва даволаниш хоналарини замонавий андозаларга мос ҳолда таъмирдан чиқариб берди.

Аҳил жамоанинг ёз мавсумига бориб ишлари янада кўпайиб кетади. Шифохонага туташ «Боғи Эрам» оромгоҳида уч ой давомида минг нафарга яқин ўқувчи фақат дам олибгина қолмасдан, балки «Ҳилол»чилар кўмагида ўз соғлиқларини тиклаб ҳам оладилар. Сиҳатгоҳда 75 хил даволаш усули мавжуд.

Бундан ташқари, «Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси бир кеча-кундузда 25 тонна сувни сузиб берадиган ускуна ўрнатди. Бундай тоза сувдан нафақат дам олувчилар ҳатто шаҳар аҳолисининг бир қисми ҳам баҳраманд бўлмоқда.

Сиҳатгоҳда дам олиб, даволанувчиларга малакали тиббий хизмат кўрсатишда шифокорлардан Наргиза Ўрозметова, Тавсия Абдуллаева, ҳамширалардан Тўхта Ҳакимова, Гулпари Мирзаева, Дилором Қаландаровалар бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎХШАШИ ЙЎҚ МАЖМУА

Мустақиллик йилларида Наманган вилояти маркази мисли кўрилмаган даражада ўзгариб, обод бўлиб бормоқда. Қурилиш ва ободонлаштириш, гулзорлар, сайлгоҳлар ва дам олиш мажмуалари бунёд этишга эътибор кучайтириляпти. Шаҳар ҳавосини бузувчи саноат тармоқлари шаҳардан четга чиқарилганлиги нур устига аъло нур бўлди. Ана шундай тармоқлардан бири бўлган қўшалоқ 3/4-пахта тозалаш корхоналари ўрнида республикамиздагина эмас, Марказий Осиёда ҳам йирик ҳисобланган Ёшлар мажмуи бунёд этишга қарор қилинди. Ушбу иншоот 40 гектар майдонни эгаллайди. Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллигигача бу ерда ёшларнинг мириқиб маданий ҳордиқ чиқаришлари учун 6 минг ўринли амфитеатр, аквапарк, стадион, ёпиқ спорт зали, бир нечта теннис корти, кинотеатр, қаҳвахона ва бошқа ҳордиқ масканлари қад ростлайди. Куни-кеча бу ерда амфитеатр биносига биринчи ғишт қўйилди.

Ж. ОБИДОВ.

УРУШ ФАХРИЙЛАРИ ИШТИРОКИДА

Мамлакатимизда жорий йил Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши муносабати билан жойларда меҳнат ва уруш фахрийлари иштирокида турли тадбирлар, учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига қарашли 2-трамвай депосида бўлиб ўтди.

Анжуманга узоқ йиллар шу депода аҳолига самарали хизмат кўрсатган юзга яқин қария таклиф этилди. Байрамона безатилган дастурхон атрофида бўлиб ўтган суҳбатда фахрийларнинг меҳнати, ҳаёти ва иш тажрибаси ёшлар учун ибрат мактаби экани таъкидланди.

(ЎзА).

Нуротанинг сержило мармарлари аллақачон дунё миқёсида ўз баҳосини олган. Бундан икки йил илгари «Нуротамармар» корхонасига Италиянинг «Педрини» фирмасининг технологик линияси ўрнатилгач, йилига 60 минг квадрат метр мармар плита ишлаб

НУРОТА МАРМАРИ УКРАИНАДА

чиқариш имконияти яратилди. Улар республикамиздаги истеъмолчиларга етарли даражада маҳсулот етказиб беришмоқда.

Жорий йилдан эса корхона жамоаси хорижга маҳсулот чиқара бошлади. Украинанинг Днепропетровск шаҳрида «Нуротамармар» шўъба корхонасини очиб, шу ернинг ўзида буюртмачилар талабига мос мармар плита ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Нуроталиклар дастлабки 3,5 минг квадрат метр маҳсулотни Украинага жўнатди.

(ЎзА).

ИНСОНДАН ҚОЛАДИГАНИ ЯХШИЛИК

Бор бўл, оқибат!

Шаҳрисабз туманидаги сўлим Мироқи қўрғони марказида мўъжазгина бир ҳовлида бир отахон яшайди. Уни туманда кўпчилик яхши танийди.

Дарвозанинг қўнғироқ тугмачасини босган эдик, кўп ўтмай эшик очилиб, жилмайган ҳолда Абдусалом аканинг ўзлари чиқиб келдилар. Дуои фотиҳадан сўнг суҳбатимиз қизиди.

Мен давлат идораларида 45 йил меҳнат қилдим. 1998 йили пенсияга чиққанимдан сўнг уйда ўтиришни ўзимга эп кўрмадим, дейди А.Турсунов. Аввалдан ихлос қўйган ишим — доришунослик ва табиблик билан шуғулланаяпман. Қирадирлар, дала-даштлардан доривор ўт-ўланларни тераман, беморлар учун малҳам тайёрлайман. Улардан тўғри фойдаланилса, турли хасталикларга даво бўлади. Кўпгина ўсимликлар масалан, ёнғоқ мағзи мияга, ловия буйракка, карам ошқозонга, олма, нок, ўрик каби мевалар юракка, анор, қора узум ширасы қонга ўхшайди...

Унинг қўлидан шифо топган беморлардан миннатдорчилик хатлари кўплаб келиб туради. Хатлар сони мингдан ошиб кетган. Масалан, Ҳамид Олимжон номли Қарши Давлат университетининг профессори Анвар Чориев, Қорақалпоғистондан Меҳмон Очилов, қаршилик Карим Маҳмудов, самарқандлик Рўзигул Сафарова ва бошқа кўплаб кишилар миннатдорчилик китобида қалб сўзларини ёзиб қолдиришган.

— Абдусалом Турсунов ташкилотчи раҳбар, билимдон киши сифатида туманимиз қариялари орасидагина эмас, балки вилоятда ҳам танилган, - дейди Шаҳрисабз туман «Нуроний» жамғармаси бўлими раиси Боқижон ота Эргашев. — У раҳбарлик лавозимларида ишлаган даврида кўпгина ибратли ишларни амалга оширди. Масалан, биргина Улуғбек номли ширкат хўжалигида бошқарув раиси бўлган йилларда Шовхан қишлоғида Алишер Навоий номли 32-ўрта мактаб учун қўшимча бино, Широмон қишлоғида Мирзо Бедил номли 73-таянч мактаб, Ёмчи қишлоғида Эшмурод Бўриев номли 84-таянч мактаб, Чортокте қўрғонида деҳқон бозори, Темирчи қишлоғида 140 ўринли боғча, Шакартери қишлоғида дала шийпони, Чорқи қишлоғида консерва заводи ва бошқа маданият- маиший биноларни қуришда бош-қош бўлди.

Унинг камтарин меҳнатлари муносиб тақдирланган. Олти нафар фарзанди ва кўплаб шогирдлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида муваффақиятли ишламоқдалар.

Абдусалом ота меҳнат завқидан, фаровон ҳаётидан мамнун ҳолда кексалик гаштини сурмоқда. Зеро, ҳаётимиз шундай фидойи инсонлар билан гўзал-да.

Аҳад МУҚИМОВ.

❷ ЛОТЕРЕЯ «ЎЙИНИ»

Таажжуб!

Бозор иқтисодиёти қонуниятлари, аввало кишиларни лоқайдлик қайфиятидан халос этиш, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, шу асосда меҳнат жамоаларининг молиявий аҳволини мустаҳкамлашни тақозо этади.

Бу борада турли хайрия тадбирлари, ҳомийлик ёрдамлари, айниқса, лотерея ўйинларини ташкил этиш, тарқатиш ва сотишнинг аҳамияти каттадир. Тадбирлардан ишлаб топилган маблағлар жамланиб аҳолининг турли қатламларини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилади. Тўғрироғи, ана шу тушумлар маданий мерос, меҳру мурувват, экология ишларини ривожлантириш, оналар ва болалар, нуронийлар, ногиронларнинг сиҳат-саломатлигини яхшилаш каби савобли юмушларга сарф қилинади.

Улуғнор тумани деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси «Буюк келажак — 2000» пул-буюм лотереяси чипталари савдосини ташкил қилишда аввалига ташаббус кўрсатди. Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармасининг Андижон вилояти бўлими ҳамда туман деҳқон ва фермер хўжаликлари ўртасида ушбу оммавий тадбирни самарали ўтказиш юзасидан шартнома имзоланди.

Уюшма бош ҳисобчиси Мухторжон Каримов бу ишга масъул қилиб биркитилди. Унинг жонбозлиги билан бир миллион 200 минг сўмлик лотерея чипталари уюшманинг тумандаги ҳудудий бўлимлари — мавжуд 29 та деҳқон ва фермер хўжаликларига сотилди.

Дастлабки 529 минг сўмлик тушум пули жамғарманинг вилоят бўлими ҳисоб рақамига ўтказилди. Хайрия тадбиридаги фаоллиги учун М.Каримов рағбатлантирилди. Пул тушумининг 10 фоизи, яъни 53 минг сўм бош ҳисобчига мукофот тарзида берилди.

Меҳнати муносиб тақдирланган бош ҳисобчининг ғайрати янада жўш уриб кетди. Қисқа фурсатда қарздор хўжаликлардан яна 45 минг сўм ундириб, тушум пулини ҳамкорнинг ҳисобига туширди. Лекин қолган маблағнинг тушуми ҳанузгача ҳал бўлмаяпти.

Бу орада жамғарманинг вилоят бўлими раиси ўринбосари Иззатилла Мамадалиев Андижон билан Улуғнор тумани ўртасида бир неча бор қатнади. М.Каримов эса Иззатиллага қуюқ ваъдалар бераверди. Бироқ 413 минг сўмлик қарз пулдан дарак бўлмасди. Вилоят бўлими раиси Комилжон Мирзакамолов ниҳоят туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Абдуфатто Тожибоевга махсус хат билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. Мактубда шартнома интизоми бузилаётганлиги, қарз пули қайтарилмаса, юқори ташкилотлар хабардор қилиниши ҳақида огоҳлантирилди. А.Тожибоев пинагини бузмади.

Уюшманинг сукут сақлаши бир йилга чўзилди. Вилоят бўлимининг сабр косаси тўлди. Чунки 6 ойдан буён ходимларнинг қўлига маош тегмаётганди. Бўлинма раиси К.Мирзакамолов туман ҳокими Ботиржон Сатторов номига 2002 йил 22 январ куни 5-рақамли баённома йўллади. Ҳоким хатни ижро учун молия ишлари бўйича ўринбосари Хўжамберди Матмусаевга топширди. Муовин номани дабдабали имзо билан бажариш учун уюшма раиси А.Тожибоевга, у эса, ўз навбатида бош ҳисобчига оширди.

Хўш, шунча югур-югурдан кейин «муз кўчдими», дерсиз. Йўқ! Хат ошириш «мусобақа»си, вилоят «Наврўз» хайрия жамғармасига борйўғи 13 минг сўм тушум пули ундириш билан якун топди. Туман ҳокимлиги мурувватига кўз тикиб турган «Наврўз»чиларнинг бу аҳволда қачон қонуний ҳақлари тўла ундириб берилади?

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

КАСБ КАСАЛЛИГИ
деганда нимани тушуниш керак?

Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради

САВОЛ: Ёшим 55 да, 30 йилдан бери тиббиёт соҳасида турли техник аппаратуралар бўйича мутахассис бўлиб ишлаб келмоқдаман. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?

Турсунбой ЎРОҚОВ,
Нукус шаҳри, 23-даҳа, 1/23 уй.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли Қарори билан ёшга доир имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1-, 2- ва 3-рўйхатлари тасдиқланган.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси «л» бандида шифокорлар ва бошқа тиббий ходимларнинг махсус иш стажи қишлоқ жойида камида 25 йил ва шаҳарларда камида 30 йил бўлган тақдирда эркаклар 55 ёшдан, аёллар 50 ёшдан имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу эса юқорида айтиб ўтилган 3-рўйхатнинг VIII қисмида кўрсатилган бўлиб, ушбу рўйхатда Сиз хатингизда келтирган электромеханик, инженер-техник лавозимлари эътиборга олинмаган. Лекин юқоридаги қонуннинг 12-моддаси «б» бандига мувофиқ меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар таркиби ҳам 3-рўйхатнинг XXXIV қисми, яъни умумий касбларнинг 1753-сонида белгиланган бўлиб, унга кўра УКВ, УВЧ, СВЧ — нурланиш аппаратларида тўлиқ иш куни давомида банд бўлган, нурланишдан сақланиш учун махсус ҳимоядан мажбурий фойдаланиши зарур бўлган ишчи ва хизматчилар ҳам эркаклар иш стажи камида 25 йил, бундан ярми, яъни 12 йилу 6 ой кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда, аёллар эса иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шуни айтиш жоизки, юқоридаги нурланиш аппаратураларида ходимларни ишлатиш учун корхонада шу иш ўринларига махсус аттестация ўтказилиши ҳамда имтиёзли пенсия тайинланиши учун ушбу аттестация комиссиялари томонидан ходим ҳақиқатда ушбу ишда кун давомида банд бўлганлигини ва ушбу иш ходимнинг соғлиғига зарар келтириши мумкинлиги тўғрисида имтиёзли маълумотнома ижтимоий таъминот бўлимига тақдим этилиши керак бўлади. Агар ушбу маълумотнома Сиз ишлаган корхонадан берилмаган бўлса, демак, бажариб келган иш вазифангиз меҳнат шароити зарарли ҳисобланмайди.

САВОЛ: Бир неча йиллар давомида қурилиш соҳасида пайвандчи (сваркачи) бўлиб меҳнат қилганман. Ҳозир саломатлигим яхши эмас. Амалдаги қонунларимизга кўра мен касб касаллиги бўйича ногиронликка чиқишим мумкинми? Қайси касалликлар касб касаллигига киради?

Эшмурод ОҚБЎТАЕВ,
Узун туманидаги «Хурсанд» ширкат хўжалиги.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли Қарорининг 6-иловасида касб касалликларининг рўйхати тасдиқланган.

Касб касалликлари рўйхатига айнан маълум бўлган ишлардаги махсус касалликларга, шунингдек, бошқа шароитдагига нисбатан худди шу ишга маълум зарар билан боғлиқ бўлган касалликлар киритилган.

Бу касалликлар қуйидаги бўлимларга бўлинади:
- заҳарли кимёвий моддалар;
- саноат аэрозомлари ва чанглари таъсирида;
- физик таъсирлар натижасида пайдо бўладиган касалликлар;
- алоҳида аъзолар ва тизимларнинг жисмоний зўриқиши ва толиқиши сабабли;
- биологик омиллар натижасида;
- кимёвий синтетик моддалар (шу жумладан, пестицидлар), дори-дармонлар, вакциналар, биология табиати моддалари, ўсимлик ва ҳайвонот чанглари;
- иш жойида концероген моддалар таъсирида пайдо бўладиган хасталиклар.

Юқорида айтиб ўтилган касалликлар ҳар бирининг бир нечта турлари мавжуд бўлиб, буларни фақат шифокорлар аниқлашлари мумкин.

Касбий касалликка нафақат рўйхатда кўрсатилганлари, балки уларнинг қолдиқлари ва асоратлари ҳам киради. Рўйхатда маълум зарарнинг таъсир қиладиган шароитда қанча ишлаш кераклиги ҳақида ҳеч қандай талаб йўқ. У ёки бу касалликнинг касбга боғлиқ эканлигини Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 июндаги 317-сонли Қарори билан тасдиқланган Низом асосида ишловчи махсус тузиладиган тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари ҳал қиладилар.

Нурота тумани Ички ишлар бўлими биноси ёнгинасида милиция таянч пункти қурилмоқда. Уларда унумли ишлаш, тадбирларни амалга ошириш учун барча имкониятлар яратилмоқда.

Суратда: туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари А.Азимов қурувчилар билан мулоқот чоғида.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.

ҚОЗОНХОНАДА ИШЛОВЧИЛАРГА ҲАҚ ТЎЛАШ

Саволингизга Ўзбекистон КУФКнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими техник нозири Рамзиддин НУРИДДИНОВ жавоб беради

САВОЛ: Мактаб қозонхонаси алоҳида бўлиб, ўрта босимдаги газ тармоғига уланган. Қозонхонада универсал-6М типидаги иккита мураккаб автомат тизими ўрнатилган қозонхонада кимлар ишлаши керак? Мавсумий фаслда ишлаган ишчиларга иш ҳақи қай тартибда тўланади?

Урал РАҲИМОВ,
Қамаши шаҳри, Амир Темур номли 1-ўрта мактаб ходими.

ЖАВОБ: Қозонхона қурилмалари корхона, муассаса, уй-жойларни технологик эҳтиёж ва иситиш учун зарур бўлган буғ ҳамда иссиқ сув билан таъминлайди. Қозонхона қурилмалари босимидан, мураккаблигидан, автоматлаштирилганлигидан қатъи назар, қозонхонада ишловчилардан хавфсизлик қоидаларини сўзсиз бажариш талаб қилинади.

Қозонхона қурилмаларида хизмат кўрсатаётган ишчилар 18 ёшдан кичик бўлмаслиги, тиббий кўрикдан ўтган, махсус дастур бўйича ўқиган, қозонхона, буғ ва қайноқ сув қурилмаларидан хавфсиз фойдаланиш қоидалари, талабларни ўзлаштирган ва қозонларга хизмат кўрсатадиган малака комиссияси томонидан бериладиган гувоҳномага эга бўлиши керак.

Халқ таълими вазирлигига қарашли муассаса қозонхоналарида ишловчиларга иш ҳақи тўлаш бўйича Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2000 йил 15 сентябрдаги 1892/09-2 сонли тушунтириш хатида шундай дейилган:

Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси (ЯТС) қўлланиши муносабати билан Меҳнат вазирлигининг 1996 йил 9 апрелда қабул қилган 3/03-2 сонли қарорида ўт ёқувчи тариф разряди 0 ёки 1 этиб белгиланган. 28, кейинроқ 22 разрядли ягона тариф системаси қўлланишидан олдин ҳам тариф разрядларига эга бўлган ишлардан Қозонхона оператори вазифасини бажарувчи ходим меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари ишнинг мураккаблигига, яъни қозонхона қуввати ва унда қўлланилаётган жиҳозларнинг турига боғлиқ ҳолда 2-6 разрядлар оралиғида белгиланади.

Бундан ташқари, Меҳнат Кодексининг 157-моддасига мувофиқ иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади.

Байрам ёки дам олиш кунидаги иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш куни бериш билан қопланиши мумкин. Байрам ёки дам олиш кунларидаги ишланган иш куни ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш куни берилган тақдирда камида бир ҳисса миқдорида ҳақ тўланади.

Меҳнат Кодексининг 158-моддасига асосан эса, тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим баробар миқдорида ҳақ тўланади. Соат 22-00 дан соат 6-00 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади. Тунги вақтдаги иш учун оширилган миқдорда тўланган ҳақ тариф ставкаларига қўшилмайди.

Тўланган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади. Бошқа имтиёзлар иш берувчи билан келишилган ҳолда ҳал қилинади.

ЮРИДИК ШАХС МАҚОМИ БЕРИЛГАН МАКТАБДА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Саволларингизга Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради

САВОЛ: 1. Педагогни тиббиёт кўригидан ўтмаганлиги учун Меҳнат Кодексининг 113-моддаси билан ишдан четлаштириш мумкинми?

2. Мен Халқ таълими вазирлигининг 1997 йил 21 июлдаги 146-сонли буйруғи билан «Ўқитувчи-ихтирочи» нишони билан тақдирланганман. Бунинг учун ойлик иш ҳақимга қўшимча ҳақ тўланадимми?

3. Юридик шахс мақомига эга бўлган мактабга ходимларни қабул қилиш халқ таълими бўлими томонидан амалга оширилади, дейишяпти, бу қанчалик тўғри?

А.АЙТЕНОВ,
Нукус шаҳри,
Р.Утегенов кўчаси 8-уй.

ЖАВОБ: 1. Меҳнат Кодексининг 214-моддаси асосида иш берувчи ходим билан меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик иш давомида вақти-вақти билан қуйидаги ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт:

— ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;
— олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;
— ногиронлар;
— меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлганлар;
— озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;
— умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бош тортиши мумкин эмас. Тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссиялар-нинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бош тортган ходимларни Меҳнат Кодексининг 113-моддасига биноан иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақлидир.

2. «Ўқитувчи - ихтирочи» нишони билан тақдирланганларга қонунчилигимизда қўшимча ҳақ тўланиши назарда тутилмаган.

3. Юридик шахс мақомига эга бўлган мактабга ходимларни ишга қабул қилиш юқори орган, яъни халқ таълими бўлими томонидан амалга оширилиши тўғри эмас. Иш берувчи, яъни мактаб директори билан ходим ўртасида меҳнат шартномаси тузилиб, шу асосда ходим ишга қабул қилинади.

Дўстлик тумани марказидаги 77-милиция таянч пункти ходимлари тарғибот-ташвиқот ишларини намунали ташкил этиш, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида ҳуқуқий саводхонликни ошириш юзасидан ибратли ишларга қўл уришмоқда. Саъй-ҳаракат ўзининг кутилган натижаларини бермоқда.

Суратда: милиция майори Ш.Дўстмуродов ҳамкасблари билан галдаги вазифалар хусусида ўзаро фикрлашмоқда.

Ш.АКРОМОВ олган сурат.

ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИДАГИ УЛУШ ҚАНДАЙ ТАРТИБДА БЕРИЛАДИ?

Саволингизга мутахассис Маҳмуджон ИСАЕВ жавоб беради

САВОЛ: Кўпгина жамоа ва давлат хўжаликлари ширкат хўжалигига айлантирилган. Демак, ширкатга қарашли барча мол-мулк ва ашёлар ширкат аъзоларининг умумий мулки ҳисобланади. Мен бир неча йил ширкат хўжалигида ишладим. Ҳозир бошқа ерга ишга ўтганман.

Шу сабабли ширкат мулкидан ўзимга тегишли бўлган қисмини қандай қилиб олишим мумкин?

Э.САРИЕВ,
Қўшработ тумани, Ғ.Ғулом кўчаси 51-уй.

ЖАВОБ: «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонунга биноан ширкат хўжалигининг Устав жамғармаси икки қисмдан иборат бўлиб, унинг бир қисми бўлинмас жамғарма, иккинчиси эса — пайчилик жамғармасидир. Пайчилик жамғармаси ширкат аъзоларининг мулкий улушлари пайлардан таркиб топади. Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан агар аъзо ширкатдан фермер хўжалигини ташкил этиш ёки бошқа ширкатга ўтиш мақсадида чиқса, унга унинг улуши томонлар ўзаро келишиб олган тартибда ажратиб берилади. Вафот этган ширкат аъзосининг меросхўрлари унинг улушини олиш ёки ширкатга аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Ширкат хўжалиги тугатилаётганда унинг барча аъзоларига ўз улушларига даъво қилиш ҳуқуқи берилган.

Саҳифани уюштирувчи:
Дилором Аллақулова, «Ишонч» мухбири.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

«САЛОМАТЛИК САРИ, ОЛҒА»

Ўтган якшанба куни Ер куррасининг кўплаб мамлакатларида жаҳон саломатлик куни нишонланди. «Саломатлик сари, олға» («Agita Mundo») шиори остида ўтган бу йилги мазкур сана Ўзбекистонда ҳам муносиб кутиб олинди. Зотан, республикамиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда БМТнинг махсус бўлими — Жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилотининг ҳиссаси беқиёсдир. Хасталик ва ўлим, ташқи муҳит ва унинг инсон саломатлигига таъсири, ногиронлик, қариялар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий тадбирларни ташкил этиш мазкур маҳкаманинг асосий вазифалари ҳисобланади.

ФРАНЦИЯДА НИМА ГАП?

Маълумки, апрел ойининг охирги ҳафтасида Францияда президентлик сайловлари бўлиб ўтади. Айни кунларда давлат бошлиғи лавозимини эгаллаш учун кўплаб кишилар ўз номзодларини қўймоқдалар. Хусусан, ҳозиргача турли партия ва ҳаракатлардан ўн тўрт киши мазкур курсига даъвогарлик қилмоқда. Уларнинг тўрт нафари аёллардир. Жаҳон оммавий ахборот воситалари шарҳчиларининг фикрига қараганда, Францияда президентлик сайловлари ҳеч қачон бу қадар қизғин тайёргарликка сабаб бўлмаган эди. Уларнинг айтишича, амалдаги президент Жан Жак Ширак ҳамда ҳозирги бош вазир Леонел Жоспенларнинг имкониятлари анча баланд бўлиши мумкин. Уларга аҳолининг 40-45 фоизи ёқлаб овоз бериши кутилмоқда. Агар номзодларнинг биронтаси кўпчилик овоз ололмаса, сайловнинг иккинчи босқичи ҳам бўлиши мумкин.

НИҲОЯТ, ТИНЧЛИК!

Ўтган ҳафта охирида Африканинг йирик мамлакатларидан бири — Анголада катта сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга молик воқеа юз берди. Ўттиз йилга яқин давом этган фуқаролик урушларидан сўнг ниҳоят қонуний ҳокимият ва УНИТА жангари ташкилоти ўртасида тинчлик шартномаси имзоланди. Унга мамлакат президенти Жозе Эдуарду душ Сантуш имзо чекди. Мазкур аҳднома ўтган жума куни кучга кирди. 50 минг ҳарбийдан иборат УНИТА тизилмалари тарқатиб юборилди. Уларнинг кўпчилиги армия ва полиция сафларига келиб қўшилади. Боз устига мазкур шартномани кузатиш учун БМТ томонидан АҚШ, Россия, Португалия вакиллари масъул этиб белгиландилар.

ҚОЙИЛ, ШАРЛ!

Франциялик муҳандис Шарл Бернье кемачилик тарихида энг кичик сув ости кемасини яратди. Уни ўзи лойиҳалаштирди ва қуриб битказди. Ушбу мўъжаз сув ости кемасининг узунлиги 3, кенглиги 1.2, баландлиги 1.5 метр. У ёлғиз кишига мўлжалланган. Кемача 35 метр чуқурликка туша олади ва 4.5 соат сув бағрида ишлатилади. «Оляпко» деб аталган кемача ҳалокатга учраган катта кемаларга ёрдам бериш ва Ла-Манш қўрфази қирғоқларини ўрганишга мўлжалланган.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

Амир Темур таваллудига 666 йил тўлди

ҚУДРАТИМИЗ РАМЗИ

(Боши 1-бетда)

Бу ҳақда Темурий шаҳзодалардан бири, нозик таъб шоири замон Бобур Мирзо шундай ёзган эди: «Самарқанд аркида Темурбек бир улуғ кўшк (сарой) солибтур, тўрт ошиёнлик (қаватлик) «Кўк сарой»га мавсум ва машҳур ва бисёр олий иморатдур. Яна Оҳанин дарвозасиға Ёқув қалъанинг ичинда бир масжид жумъа солибтур, сангин, аксар Ҳиндистондин элтган сангтарошлар анда иш қилибтурлар... Самарқанднинг шарқида икки боғ солибтур, бириким йироқтур. «Боғи Бўлду»дур, ёвуқроғи «Боғи Дилкушо»дур. Андин Феруза дарвозасиға хиёбон қилиб, икки тарафдин терак йиғочлари эктирибтур. «Дилкушо»да ҳам улуғ кўшк солдурубтур, ул кўшкда Темурбекнинг Ҳиндустон урушини тасвир қилибтурлар».

Самарқанд ўша даврларда нафақат гуллаб-яшнади, балки илм-маърифат ўчоғига айланган. Не-не олиму фузалолар, шоиру муғаннийлар, илми соҳиб эгалари ҳақиқат ва маърифат истаб Сармарқанд сари интилганлар. Негаки, жаҳондаги энг улуғ дорилфунунлар — мадраса-ю масжидлар, энг катта кутубхоналар шу шаҳарда жойлашган эди. Энг машҳур алломалар, илм аҳли ҳам Самарқандда фаолият кўрсатарди. Ҳазрат Навоий ҳам кейинчалик бу азим шаҳарда яшаган, таҳсил олган, замонасининг алломаю донишмандлари билан суҳбатда бўлган.

«Илму адаб қуббаси» деб эътироф этилган кўҳна Кеш ободлигида ҳам Амир Темурнинг хизмати беқиёсдир. «Жаннатни оналар пойида» деб билган соҳибқирон киндик қони тўкилган бу заминда волидаи муҳтарамаси шарафига «Оқсарой»ни барпо этдики, у асрлар давомида халқимиз даҳосининг қудрати, тарихимизнинг энг мўътабар ёдгорлиги сифатида қад ростлаб турибди. Соҳибқирон бобомиз бу кошона пештоқида ёздирган «Кимки бизнинг шон-шуҳратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга назар солсин», деган даъвати билан аждодлар юрагидан ғурур, фахр туйғуларини уйғотмоқни, эзгу ишнинг умри боқийлигини, элу элатларга англатмоқни ният қилди. Унинг бевосита раҳбарлигида бунёд этилган Бибихоним жомъе масжиди, Гўри Амир, Аҳмад Яссавий, Занги ота мақбаралари, Оқсарой ва Шоҳизинда меъморий ансамбллари, Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Баланд каби 12 та гўзал боғу саройлар инсон тафаккури ва ақлзаковатининг рамзи сифатида асрлар оша яшаб келмоқда. Осмонўпар бу кошона иймон қалъасидек ҳамиша ғанимларни ҳушёр торттирди, мамлакат қудратидан акс-садо бериб асрларни асрларга боғлади.

Ҳа, Амир Темур эзгуликдан ўзига шундай қўрғон қуриб кетдики, у бугун нафақат Самарқанду Шаҳрисабзда, балки Тошкенту Бухорода, дунёнинг турли бурчакларида адолат тимсоли бўлиб қад ростлаб турибди. Ҳазрат бобокалонимиз бузмоқни эмас, тузмоқни ўйлаган. Дунёдаги барча фотиҳу жаҳонгирлардан фарқли ўлароқ, ҳамиша халқ ва Ҳақ томонида туриб, адолат учун курашган ул зоти шариф шундай эътироф этганлар: «Қай бир жойдан бир ғишт олсам ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўн дарахт эктирдим».

Соҳибқирон нафақат ўз халқини, балки инсониятни адолатсизликдан халос этмоқ учун қўлига шамшир олди. Тарихда «уч йиллик», «беш йиллик», «етти йиллик» уруш номини олган юришларида у ягона мақсад — ҳақиқат йўлидан борган.



Амир Темур давлатларнинг ўзаро қўшничилик алоқаларига алоҳида эътибор берган, ҳамкорликсиз истиқбол йўқлигини теран англаган. Франция, Англия, Рум, Испания, Италия, Миср, Хитой, Ҳиндистон каби ўша даврдаги йирик давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Айниқса, савдо-иқтисод муносабатлари орқали давлатлар ўртасида ягона макон тузишга эришган. У Испания, Франция, Англия ҳукмдорларига элчилар юбориб, ўз навбатида хорижлик элчиларни ўз давлатига таклиф этган. «Дунё савдо аҳли ила обод бўлажак» деб мамлакатлар қиролларига мактублар йўллаб, ташқи сиёсатда халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва савдо алоқаларини йўлга қўйиб, халқ манфаати, юрт осойишталигини ўйлаган. Қарангки, халқлар ўртасида яратилажак интеграцияга бобокалонимиз 600 йил олдин асос солган. Унинг тадбиркорлиги билан асос солинган ягона иқтисодий макон бугунги кунимиз учун ҳам ниҳоятда муҳим.

Минг афсуски, мустабид мафкура ҳукмронлиги даврида халқимиз маънавиятини, ғурурини ерга урмоқ ниятида асл тарихий ҳақиқат беркитилди. «Зафарнома»да қайд этилишича, 1385 йилгача Амир Темурда бирор мамлакатга юриш қилиш нияти бўлмаган. Аммо Тўхтамишхоннинг Табризга бостириб келиши ва шаҳарни харобага айлантириши, халқнинг оҳу фарёди, унинг режаларини ўзгартирди...

Соҳибқирон ҳарбий юришларининг яна бир сабаби, Буюк Ипак йўлини бир мамлакатга бирлаштириб, ундаги хавфсизликни таъминлаш эди. Негаки Мўғулистон, Эрон ва Ироқда маҳаллий ҳокимларнинг зўравонлиги ва йўлда қароқчиларнинг кўпайиши сабабли карвонлар, ҳатто элчилар ҳам юролмай қолган эди. Бу ҳол айниқса Ҳаж сафарини ихтиёр этганлар учун хатарли саналарди.

Амир Темур бу талон-тарожларга, ҳақсизликка барҳам берди. Шарқни Ғарб билан маърифат, тижорат ва адолатли ришталар воситасида бирлаштирди. Ҳазратнинг «Дунёнинг ярмини олдим, салтанатимнинг у четидан бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим», деган сўзлари фикримиз исботидир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Амир Темур яна халқимиз фахри-ифтихорига айланди. Маънавий қудратимиз рамзи сифатида ул ҳазратнинг табаррук номларини тиклаш, руҳларини шод этиш ниятида Тошкентнинг қоқ марказида Амир Темур ҳайкали ўрнатилди, гўзал хиёбон барпо этилди. Темурийлар тарихи давлат музейи қурилди. Соҳибқироннинг она юрти Шаҳрисабзда, Самарқандда салобатли сиймоси акс этган ҳайкаллар бунёд этилди. Ҳазрат бобокалонимиз асос солган миллий давлатчилик таянчи, миллий бошқарув анъаналари бугун замонавий тус олиб юртимизга қайтаётгандек.

Бунинг ёрқин далили ҳар куни кўркига кўрк қўшилаётган пойтахтимиз жамолида, тикланаётган қадриятларимиз, иймон-эътиқодимизда, ҳар неки эзгу ишларимизда акс этмоқда. Зеро, Амир Темур даҳоси ҳам халқимиз маънавиятининг тимсоли сифатида мангу барҳаётдир.

Амина ҚОДИРОВА.

ШУ БАҲОР КУНИДА

Инсон нега баҳорни соғинади, бутун орзу умидини шу фасл билан боғлайди. Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

— Мен шаҳардаги кўп қаватли уйда яшайман, — дейди Собиржон ака Бўзиев. — Мўжазгина боғим бор. Унда мевали дарахт ўтқазганман. Уларнинг мевасидан неваларимгина эмас, маҳалла болалари ҳам баҳраманд бўлишади. Эккан гулларим очилганда эса нафақат ўзим, қуни-қўшнилар ҳам завқ олишлари табиий. Лекин мен бир нарсага ҳеч тушунмайман. Аксарият ҳолларда хонадонларни саранжом-саришта қиладилару, кўчат экиш, кўкаламзорлаштириш ҳақида ўйламайдилар. Ахир маҳалла, уйимиз кўм-кўк бўлиб яшнаб турса қандай яхши!

Ҳақиқатан, баъзи кўп қаватли уйларнинг ёнида ҳеч нарса экилмай, бўш ётган ерга кўзимиз тушади. Ўша жойларга ҳам кўчат экиб, парвариш этилса ўзимизга ҳам, элу юртга ҳам фойдаси тегади-ку.

Луқма

Аксарият жойларда акация дарахтининг кўплаб экиб ташланганини кўрамиз. Бу дарахт на мева беради, на уни қурилишга ишлатиб бўлади. Унинг ўрнига турли-туман мевали, дарахтларни экиб, кўпайтирсак бўлмайдими?

Баъзан дарахтларни кесиб, ўрнига эса ҳеч нима экилмаганига гувоҳ бўламиз. Ахир, бир дарахт ўсиб вояга етгунча, қанча меҳнат, йиллар керак бўлади-ку?!

О.ЭРГАШЕВ.

Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университети, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти олимлари томонидан тайёрланган «Чағониён тарихи» китоби нашрдан чиқди.

ЧАҒОНИЁН ТАРИХИ

- Тарихдан маълумки, юртимизда қадимда Сўғд, Бақтрия, Хоразм давлатлари шаклланган, - деди Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори, академик Музаффар Хайруллаев ЎзА мухбирига. - Улар таркибида бир неча вилоятлар бўлган. Жумладан, ҳозирги Сурхондарё вилоятининг кўпгина ҳудудларини қамраб олган Бақтрия подшоҳлигига қарашли Чағониён ҳам ана шундай вилоятлардан бири эди.

Китобда ушбу юртнинг бир неча минг йиллик тарихи, маданияти, хўжалиги, инсоният цивилизацияси тарихида тутган ўрнига бағишланган кейинги йилларда олиб борилган илмий тадқиқотлар ва археологик қазишмалар натижалари кенг ёритилган.

ИСТЕЪДОДЛАРГА МУКОФОТ

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг электроника институти академик Убай Орипов номи билан аталади. Яқинда эса атоқли олим номидаги мукофот таъсис этилди. Унга биринчилардан бўлиб ўсимлик моддалари ишқорини сиртионизацион масс-спектроскопия усули ёрдамида тадқиқ этишга доир изланиши учун умидли олим Дилшод Усмонов сазовор бўлди.

Шунингдек, икки нафар ёш тадқиқотчи рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланди. Ғолибларга бир неча минг сўмлик пул мукофоти топширилди.

А.АЛИЕВ

РОСМАНА БЕЛЛАШУВ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан мактаб ўқувчилари ўртасида «Шунқорлар» ҳарбий ватанпарварлик мусобақалари қизғин давом этмоқда.

Нукус ҳарбий гарнизонида финал мусобақалари бўлиб ўтди. Унда дастлабки босқичларда ғолиб бўлган Чимбой, Шуманай ва Амударё туманлари ҳамда Нукус шаҳри ўқувчилари ўзаро куч синашди. Мусобақанинг 12 шарти бўйича юқори кўрсаткичга эришган Нукус шаҳри жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Ғолиблар май ойида Тошкентда ўтказиладиган сўнгги босқичга йўлланма олди.

(ЎзА).

Китобликлар Насрулло Абдуллаев номини алоҳида ҳурмат билан тилга оладилар. Боиси, қўлигул кулол томонидан яратилаётган кўркам, сержило буюмлар барчани мафтун этмоқда. Ҳозирги кунда уста нозик касб сирларини ёшларга қунт билан ўргатмоқда.

Суратда: кулол Насрулло Абдуллаев.

Ш.СУЛТОНОВ олган сурат.

Шоҳмот оламида

«ТЕМУР ҚАФАСИ»

XVIII асрда яшаб ижод этган машҳур олим, рус шохмотчиси Карл Яниш буюк соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиб, ўзича хулосалар ясайди. У 1402 йил 20 июнда турк султони Боязид ва унинг икки ўғли асирга олинишини шохмот тахтасида ўн юришдан иборат масалада ҳал этадиким, бу шохмот оламида катта шовшувга сабаб бўлади. Муаллиф унга «Темур қафаси» деб ном беради. У биринчи бўлиб Франция матбуотида чоп этилади. Шундан кейин «Темур қафаси» бутун дунёга ёйилиб, ер юзидаги барча шоҳмотчиларни ўзига ром этади.

Айниқса, тарихчи олимлар, шоҳмот мутахассисларини масаланинг чиройли ечими, ғоянинг кучли мантиққа эга эканлиги лол қолдиради. Бу ажойиб масала 1850 йилда ижод қилинди. Унинг асосий ғояси шундан иборатки, оқлар Темур қўшинларини, қоралар эса Боязид қўшинларини билдиради. Оқлар бошлаб ўнинчи юришга келганда «Темур қафаси»нинг ғояси муваффақияти билан якунланади. Жумбоқни мустақил ечсангиз иккинчи диаграммада саркарда Амир Темурнинг от кишти бериб, асирга тушган Боязидни мот этаётгани тасвирланган.

Охирида муаллиф шундай сўзларни қўшимча қилади: «Боязиднинг қора фили, яъни шахсий соқчиси султоннинг чекаётган изтиробларига ягона гувоҳ бўлиб турибди».

Анвар ИНОҚОВ, Шоҳмот бўйича спорт усталигига номзод.



МУНОСИБ НОМЗОДЛАР

Исковот Наманган вилоятининг аҳоли кўп яшайдиган тоғ қишлоғи. Қишлоқдан қўл узатсангиз етгудек масофада осмонўпар тоғлар ястаниб ётибди. Йигитлари арслонкелбат, қизлари Барчинмисол. Бинобарин, улар спортнинг кўпгина турлари бўйича Янгиқўрғон туманининг байроқдорлари саналишади.

Яқинда Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида 1985-1986 йилларда туғилган қизлар ўртасида волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Уни ўтказишдан кўзланган мақсад мамлакатда спортнинг бу турини ривожлантириш ва оммавийлаштириш, ёшларнинг маҳоратини ошириш ҳамда республика терма жамоасига муносиб номзодларни танлаб олишдан иборатдир.

Ана шундай нуфузли беллашувда биз номини тилга олган қишлоқ қизларидан ташкил топган жамоа тўрт йилдан бери қатнашиб келади. Исковотлик қизлар дастлабки чемпионатда олтинчи, кейингисида тўртинчи ўринни қўлга киритишган, ўтган йили эса иккинчи ўринни банд этишган эди. Бу йилги чемпионат баҳсларида ҳам исковотлик қизлар муваффақиятли иштирок этишди. Аввалига Навоий вилояти терма жамоасини 3:1 ҳисобида енгишди. Сўнгра Бухоро, Андижон ва Тошкент вилоятлари волейболчиларини бир хил, 3:0 ҳисобида таслим этишди. Фарғона вилояти вакиллари билан бўлган учрашув ҳам 3:2 ҳисобида улар фойдасига ҳал бўлди. Фақат Тошкент шаҳри терма жамоаси билан учрашувда тоғ қишлоғи волейболчи қизларининг омади келмади. Шу тариқа исковотлик волейболчи қизлар ғолибдан бор-йўғи бир очко ортда қолиб иккинчи ўринни эгаллашди.

Волейбол

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Даромадга қараб буромад, деган гап юради халқ орасида. Дарҳақиқат, шундай. Имкон доираси кенг одамнинг орзу-ҳаваси ҳам шунга яраша дир. Агар бу ҳикматни футболга нисбатан қўллайдиган бўлсак, у қуйидагича манзара касб этади: қайси жамоа мавсумга пухта тайёргарлик кўрган бўлса, ўша ғолиб чиқади.

БУНАҚАСИ БЎЛМАГАН

Ёшарган, янгиланган бугунги «Пахтакор» ҳақида, очиғи, ҳозирча фақат илиқ фикрларни айтиш мумкин. Майдонга тушаётган футболчилар индивидуал маҳорати жиҳатидан ўзига хос жиҳатлари билан бир-бирларидан фарқлансалар-да, жипслик ва мақсадга йўналган яхлит ҳаракат туфайли бошқа жамоалардан тубдан ажралиб турибдилар. Бунда, шубҳасиз, мураббийларнинг тажрибаси ва ҳар бир учрашувга алоҳида масъулият билан ёндоша олаётганликлари катта рол ўйнамоқда. Лекин, кези келганда, фикримизнинг мантиқий давоми сифатида бемалол қайд этишимиз жоизки, турли амплуаларда тўп суришга қодир истеъдод эгаларисиз бу режаларни амалга ошириш жуда қийин эди.

Турнинг энг марказий учрашуви бўлмиш «Пахтакор» ва «Нефтчи» командалари баҳсида биз юқоридаги ҳолатни кузатишга муваффақ бўлдик. Тошкентликлар ушбу матчни 2:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилдилар. Лекин, эътироф этиш лозимки, ҳисоб бундан-да йирикроқ бўлиши ҳам мумкин эди. Баъзан ҳужумчилар қулай вазиятдан унумли фойдалана олмасалар, баъзан дарвозабон Георгий Забиров маҳорат намойиш этиб, командасини аниқ голлардан сақлаб қолди. Ва барибир учрашувдаги энг эсда қоларли ҳолат Виктор Жалилов томонидан амалга оширилди. Бош мураббий ўйин давомида уч ҳужумчи билан ҳаракат қилиш тактикасини танлади ва яна ҳам қизиқарли томони, уларни бирин-сирин бошқа ҳужумчилар билан алмаштирди. Натижада муҳлислар шу куни бир йўла олти ҳужумчи — аввалига Зайниддин Тожиев, Неъматулла Қуттибоев, Анвар Солиев, сўнгроқ Александр Гейнрих, Юрий Никитков, Тимур Копадзеларнинг ўйинини томоша қилишга муваффақ бўлдилар. Бу эса, ўз навбатида «Нефтчи» ҳимоясини муттасил сергакликда ушлашга, қарши ҳужумга отланмасликка мажбур этди.

Кўнгилда беихтиёр ширин орзулар чарх уради. Демак, ҳаракат қилса бўлар экан. Ҳар ҳолда ўзбек футболининг янада равнақ топиши йўлида «Пахтакор» одимлари бошқа жамоалар учун ҳам ўзига хос ибратдир.

Турнинг қолган учрашувлари ҳам бир мунча қизиқарли ўтди. Энг йирик ҳисоб Самарқандда («Самарқанд-Д» - «Бухоро» - 4:1), энг кўп гол Тошкентда («Трактор»-«Сўғдиёна» - 3:3) қайд этилди. Яна бир муҳим жиҳати, Равшан Бозоров хет-трикка эришиб, тўпурарлар баҳсида пешқадам бўлиб олди. У шу кунгача киритган голлар бештага етди.

Афсуски, дилни хира қиладиган ҳолат ҳам юз берди. «Трактор» клубининг етакчи ҳужумчиси, мамлакат терма жамоаси аъзоси Илҳом Мўминжонов «Сўғдиёна» билан кечган ўйинда учрашувнинг тўққизинчи дақиқасидаёқ жиддий жароҳат олди. Таҳминларга қараганда, у энди икки-уч ойсиз майдонга қайтолмайди. Бу эса шундоқ ҳам оғир дамларни бошдан кечираётган жамоа янада қийин аҳволда қолди деганидир.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қизилқум»-«Сурхон»-2:0, «Навбаҳор»-«Қўқон-1912»-2:0, «Машъал» - «Зарафшон» - 1:0, «Металлург» - «Дўстлик» - 1:0.

Футбол

Навбатдаги тур 13 апрелда ўтказилади. Мухлислар шу куни қатор қизиқарли учравушларни томоша қиладилар. Энг муросасиз баҳс Фарғонада «Нефтчи» ва «Қизилқум» командалари ўртасида кечиши кутилмоқда.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси «Ўзтелеком» АКси «Хоразм телеком» бўлими директори **Маҳмуд СОБИРОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 20.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 332. 1 2 3 4 5 6